

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.Абдурахмонов	
Яшил рангнинг миллий шеъриятда ўзига хос ифодаси (испан ва ўзбек лирикаси мисолида)	79
О.Абобакирова	
Ўзбек болалар ҳикоячилигининг бадиий хусусиятлари.....	83
Д.Турдалиев	
Рус фольклоршунослигида анъанавий лингвистик формулалар.....	92
И.Ҳабибуллаев	
Хуршид Дўстмуҳаммад қиссаларида руҳий-психологик тасвир (“Нигоҳ” қиссаси асосида).....	98

ТИЛШУНОСЛИК

А.Муҳиддинов	
Нутқ актини биомолекуляр ва ментал кодлаштириш жараёнларининг изоморфлиги ва алломорфлиги	103
Р.Сайфуллаева, Ҳ.Ҳамроева	
Ўзбек рақс терминларининг лингвокультурологик таснифи.....	108
З.Акбарова	
Турли функционал услублардаги матнларда тил воситаларидан фойдаланган ҳолда оламни моделлаштириш.....	113
Н.Шарафутдинова	
Ўткир Ҳошимовнинг “Тушда кечган умрлар” асарида қўлланилган мифоним ва теонимлар таҳлили.....	118
Ў.Исламов	
Адабий тил - нутқ маданиятининг олий шакли.....	122
Л.Абдуллаева	
Аббревиация-ўзбек ва инглиз тилларида сўз ясаш усули сифатида.....	126

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

С.Абдурахмонов, Ш.Ибрагимов	
Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг ташкилий усуллари.....	129
У.Абдуллаева	
Чет тили бўйича кўникмаларни баҳолашда ёш хусусиятларига кўра ёндашув принциплари.....	134

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Ў.Омонова	
Алмаштириш операторларини қуришнинг композицион усули ҳақида.....	139
А.Раҳматжонзода	
Баъзи умумлашган гипергеометрик функцияларнинг интеграл кўринишини топиш масалалари.....	143
Б.Каримов, Р.Эргашев, А.Сирождинов	
Sn асосида шаффоф ўтказувчи электродлар.....	147
А.Урунов, С.Элмонов	
Тишли-ричагли механизмлардан тузилган комбинацион механизмнинг параметрларини асослаш ва кинематик текшириш	150
Д.Аббосова, А.Ибрагимов, О.Назаров	
Ephedra equisetina bunge ўсимлиги баргларида олинган эфир мойи таркибий қисмларининг ГХ-МС таҳлили.....	154
М.Ахмадалиев, И.Асқаров, Н.Юсупова, М.Икромова	
ЗФАМЭД смоласининг олиниши.....	158
С.Маматқулова, Ш.Абдуллаев, Р.Деҳқонов	
Helianthus tuberosus L. (Топинамбур) ўсимлиги илдиз мевасидан турли муҳитларда пектин моддасини ажратиш олиш ва функционал гуруҳларини аниқлаш.....	161

УДК: 371+37+316.422.4

ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ
УСУЛЛАРИ ҲАҚИДАОБ ОРГАНИЗАЦИОННЫХ МЕТОДАХ ОРГАНИЗАЦИИ САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ
РАБОТЫ СТУДЕНТОВ

ON THE TASKS OF ORGANIZING INDEPENDENT WORKS OF STUDENTS

С.Абдурахмонов¹, Ш.Ибрагимов²¹ С.Абдурахмонов

— ТАТУ Фарғона филиали, телекоммуникация технологиялари ва касбий таълим факультети ахборот-таълим технологиялари кафедраси мудири, физика-математика фанлари номзоди, доцент.

² Ш.Ибрагимов

— Фарғона давлат университети, физика – математика факультети, ахборот технологиялари кафедраси катта ўқитувчиси.

Аннотация

Мақолада олий таълим тизимида талабаларнинг мустақил таълим олишларини ташкил этиш масалалари умумий тарзда ўрганилиб, уларнинг турлари, мустақил таълимни ўтказишда таълим берувчи ва таълим олувчилар вазифалари атрофлича ёритилиб, таъсиялар ишлаб чиқилган.

Аннотация

В статье обобщены исследования организации самостоятельного обучения в системе высшего образования, описаны виды самостоятельного обучения, всесторонне рассмотрены обязанности обучающихся и обучаемых, разработаны рекомендации.

Annotation

In the work, in a general study of the organization of independent learning in the higher education system, types of independent learning are described, comprehensively considering the responsibilities of educators and trainees, recommendations are developed.

Таянч сўз ва иборалар: таълим, инновация, мотив, индивидуализация, мустақил таълим, ташкил этиш, кўникма, малака.

Ключевые слова и выражения: образование, инновация, мотив, индивидуализация, самостоятельное образование, организация, навыки, умение.

Keywords and expressions: education, innovation, motive, individualization, independent, organization, skills

Ҳозирда таълим тизимида инновацион ўқитиш технологияларини қўллаш, талабаларга ўқитиш жараёнида муносабатни ўзгартириш, таълимни индивидуаллаштириш таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши бўлиб қолмоқда. Ўқитиш тизимида янги педагогик технологияларни жорий этишда фанларни ўрганишни индивидуаллаштириш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада жуда кўп педагог, тадқиқотчилар иш олиб бормоқдалар. Лекин уларнинг асосий эътибори ўрта мактаб ва касб-хунар коллежларидаги ўқитиш тизимида қаратилган [1]. Олий таълим тизимида фанларни ўқитишни индивидуаллаштириш масаласи тўла ечимини топмаган. Шунинг учун олий таълим тизимида аниқ фанларни

ўқитишни индивидуаллаштириш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар долзарбдир.

Умумий тарзда таълим тизимида мустақил таълимни ташкил этиш бўйича тадқиқотлар етарли даражада эмас. Шунинг учун бу масалани ўрганиш мақсад қилиб олинди.

Олий таълим тизимининг асосий вазифаси фанлар бўйича чуқур назарий ва амалий билимлар билан бир қаторда ўз билими ва малакасини мустақил равишда ошириб борадиган, масалага ижодий ёндашган ҳолда муаммоли вазиятларни тўғри аниқлаб, таҳлил қила оладиган мутахассисларни тайёрлаш ҳисобланади.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, таълим олувчилар мустақил равишда шуғулланиб, соҳа бўйича зарурий билимларни олишлари

ва ўз устида тинимсиз ишлашлари лозим. Талабаларнинг асосий билим, кўникма ва малакалари мустақил таълим жараёнида дарс давомида олинганларига нисбатан мустаҳкам шаклланади, мустақил фаолият кўрсатиш қобилияти ривожланади ва уларда ижодий ишлашга қизиқиш пайдо бўлади.

Халқ ижодидан маълумки, агар оч қолган кишига балиқ берадиган бўлсангиз-бу, унинг бир кун очликдан ўлиб кетишига йўл қўймайди. Аммо унинг ўзига балиқ овлаш ўргатилса, — бу, унга бутун ҳаёти давомида тўқ қолишга имкон беради [2,25-29]. Шунинг учун таълим тизимининг вазифаси “бўш идишни” билим билан тўлдириш эмас, балки талабаларга эҳтиёж пайдо бўлганда, уни мустақил равишда тўлдира олишга ўргатишдир.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳар бир фанни ўрганишда мустақил ишни ташкил этиш учун учта ўзаро боғлиқ шаклни намоён қилиш лозим [3,4]:

1. Аудиториядан ташқари мустақил иш.
2. Ўқитувчининг бевосита раҳбарлиги остида амалга ошириладиган мустақил иш.
3. Ижодий, шу жумладан, илмий-тадқиқот ишлари.

Замонавий таълим тизими талабага “объект” сифатида эмас, балки “субъект” сифатида ёндашишни тақозо этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, шахснинг билиш ва ижодий фаоллигини ривожлантиришда мустақил таълимнинг долзарблигини оширмоқда.

Мустақил таълим жараёнида билимлар чуқурлашади, мукаммаллашади, турли шароитларда улардан фойдаланиш имконини берувчи универсаллик характерига эга бўлади. Мустақил ишлар турли кўринишда бўлиши мумкин. Масалан, манбалар билан ишлаш, кузатиш ишларини олиб бориш, лойиҳалаш, тажриба синовларини ўтказиш, тренажёрларда машқлар бажариш ва шу кабилар [5;6, 25-32].

Мустақил таълимни ташкил этиш шакллари масаласида мутахассисларнинг фикрларини қуйидагича келтириш мумкин [7,8]:

- маъруза, амалий, лаборатория машғулотларига тайёргарлик;

- ўқув режадаги фанлар дастурларида мустақил таълим учун ажратилган материалларни ўзлаштириш;

- интернет тармоғидан зарурий таълим материалларини қидириш;

- курс иши, курс лойиҳаси, битирув-малакавий ишларни ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш;

- ахборот ресурс марказларида фанлар бўйича каталоглардан фойдаланиб, материал қидириш;

- ўқув аудио, видео дарсларни, мавзуга оид фильмларни эшитиш ва кўриш;

- фанлар бўйича дарслик, ўқув қўлланма ва адабиётларни ўқиш;

- назорат ишларини бажариш;

- мавзулар бўйича маъруза ва рефератлар тайёрлаш;

- семинар ва конференцияларда иштирок этишга тайёрланиш;

- ўқув материаллари бўйича чизмалар, альбом, эскиз ва бошқаларни тайёрлаш;

- ўрганилаётган мавзулар бўйича алоҳида ёки гуруҳ бўлиб кўргазмали воситалар яратиш;

- мустақил ўрганилаётган материаллар бўйича конспект тузиш;

- маърузада олинган билимларни мустаҳкамлаш учун саволларга жавоблар тайёрлаш, масала ечиш ва тестлар ечиш;

- талабанинг илмий тадқиқот ва ижодий ишларни бажариши;

- талабаларни илмий жамиятларда ва фан тўғракларида иштирок этиши;

- танлов ва олимпиадаларда қатнашиши;

- соҳаси бўйича кичик лойиҳаларни тайёрлашда қатнашиши кабилар.

Олий таълим тизимида мустақил таълимни амалга ошириш учун ҳар бир мутахассислик таълим йўналиши ўқув режасида мустақил таълим учун соатлар ажратилган. Фан ўқитувчиси бу соатларни самарали ўтказишга масъулдир. Талабанинг фан бўйича олган билимларини баҳолашда мустақил таълим жараёнида олган билимларини ҳам эътиборга олиш алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Ўқув режасида кўрсатиб ўтилган фан бўйича мустақил таълим соатлари ишчи фан дастури тузилаётганда мустақил таълим соатида бажариладиган вазифалар аниқ кўрсатилиши зарур.

Ҳозирда олий таълимда қўлланилаётган таълим услубиётида мустақил таълим учун фан дастуридан келиб чиққан ҳолда мавзулар ажратилади ва бу мавзуларни талабалар мустақил ўзлаштирадilar.

Биз таклиф этаётган услубиётда фан ишчи дастурида мустақил таълим соати ҳам асосий аудитория соатлари каби бир кетма-кетликда тақсимланиб, ишчи фан дастурида ҳар бир маъруза бўйича мавзулар санаб ўтилиб, мустақил таълимга ажратилган мавзулар аниқ топшириқлар билан берилган. Ишчи дастурда аудитория соатлари аудиторияда ўрганиладиган мавзуларгагина тақсимланади. Бу ҳолат аудитория соатига мўлжалланган ҳар бир мавзуни атрофлича муҳокама қилиб ўрганиш имконини беради.

Ҳозирда мустақил таълимни ташкил этиш бўйича кўпроқ ахборот технологияларидан фойдаланилмоқда. Улар ёрдамида электрон курслар, электрон материаллар, масофавий таълим, мобил воситалардан фойдаланиш ва бошқалар. Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши мустақил таълимни янги поғонага кўтарди. Бу воситалар таълимни ташкил этувчиларга ҳам, таълим олувчиларга ҳам катта имкониятлар яратди. Замонавий технологияларни таълим тизимида қўллаш бўйича жуда кўп мутахассислар изланишлар олиб бориб, ўзларининг тавсияларини ишлаб чиқдилар [8,9]. Аксарият мақолаларда мустақил таълимни ташкил этишда аниқ бир фан ёки аниқ бир мавзу мажмуасига қаратилиб олиб борилган тадқиқот ва натижалар ёритилган [6,7].

Олий таълимда мустақил таълимни ташкил этиш бўйича вазирликнинг 2005 йил 21 февралдаги 34-сонли буйруғи билан “Талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тўғрисида” ги низом тасдиқланган. Унда мустақил таълимни ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилган. Бу низомда мустақил таълимни назорат этиш услубиёти ҳам берилган. Низомда қуйидагилар аниқ кўрсатиб ўтилган [7]:

- талабалар мустақил ишининг мақсад ва вазифалари;
- талабалар мустақил ишининг ташкилий шакллари;
- талабалар мустақил ишининг ахборот таъминоти;

- талабалар мустақил ишини назорат қилиш ва баҳолаш.

Мустақил ишлар талаба олдига маълум бир таълимий муаммони ҳал қилишни қўяди. Мустақил фикр юритиш жараёни эса муаммоли вазиятнинг вужудга келишидан бошланади. Мустақил фикр юритиш малакасига эга талаба ностандарт ёки қутилмаган вазиятларда тезкор, аниқ ва тўғри қарор қабул қилишга асос ҳисобланадиган изланувчан ижодий фаолиятни таъминловчи жиҳатларга эга бўлади.

Талабаларнинг мустақил ишларини бажаришдаги фаоллиги жиддий мотив мавжуд бўлгандагина жадаллашади.

Мустақил ишларни бажаришни фаоллаштирувчи мотивларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Ташқи мотив – талабанинг таълим олиш ва олий ўқув юртидаги натижаларга боғлиқлиги.

2. Ички мотив – талабанинг таълим олиш ва олий ўқув юртига иштиёқи (ҳаваси) ва унинг имкониятларининг танлаган касбига мослиги;

3. Таълимий мотив – талабанинг бажараётган ишининг фойдали эканлигини англаб етишида юзага келади.

Мустақил ишларнинг натижаси маъруза материалларини, лаборатория, амалий ва семинар машғулотларини яхшироқ тушунишида талабага ёрдам беришини исботлаб бериш лозим.

Мустақил ишларни бажаришни фаоллаштирувчи таълимий мотивлар:

1. Бажарилаётган ишнинг фойдалилиги.

2. Талабаларнинг ижодий фаолиятдаги иштироки.

3. Ўқув фанлари бўйича олимпиадада, илмий-тадқиқот ёки амалий танловларда иштирок этиши.

4. Билимларни назорат қилиш (баҳолаш, рейтинг баллари, тестлар, ностандарт имтиҳон жараёнлари) мотиви.

5. Талабани таълим жараёнидаги муваффақиятлари ва ижодий фаоллиги учун рағбатлантириш (стипендия, мукофот, рағбатлантирувчи баллар) ёки ёмон ўқиганликлари учун чора кўриш.

6. Аудиторияда ва ундан ташқарида бажариладиган мустақил ишларни индивидуал бажаришга эришиш.

7. Мустақил ишни бажаришда ўқитувчи шахси асосий мотивлардан ҳисобланади. Ўқитувчи мутахассис сифатида талаба учун намуна бўлиши лозим.

Мустақил билим олишда автономлик – ўқитиш мақсадлари, тамойиллари, мазмуни, методи ва воситаларини аниқлаш ҳамда танлаш, уларни қийналмасдан, ташқи таъсир ёрдамисиз амалга ошириш қобилияти.

Мустақиллик ҳолати намоён бўлган, бироқ автономлик хусусияти кўзга ташланмаса, бу ҳол мустақил билим олишни эмас, балки муаммоли ўқитишнинг мавжудлигидан далолат беради.

Мустақил билим олаётган субъектни таълим жараёнида ҳеч ким ўқишга мажбур этмаслиги муҳимдир.

Мустақил билим олишни таъминлашга имкон берадиган топшириқлар тушунча, сабаб ва қадриятли йўналишларни ўзлаштириши паст даражали ва қониқарсиз бўлган таълим олувчилар учун қулай шароитни яратишни кўзда тутати. Биргина муваффақиятни ҳис этиш ҳам таълим олувчини мустақил билим олишга ундовчи психологик ҳолатни юзага келтиради.

Таълим олувчининг мустақил иши унинг аудиторияда ва ундан ташқарида, ўқитувчи раҳбарлигида ёки ўқитувчи иштирокисиз амалга ошириладиган мустақил иш мажмуини англатади. Лекин ҳамма таълим олувчилар ўқитувчи иштирокисиз мустақил изланади, деб айтолмаймиз. Чунки таълим олувчиларнинг аксариятида ўзига бўлган ишончининг йўқлиги уларнинг мустақил билим олишларига тўсқинлик қилади. Шундай экан, таълим олувчиларнинг ўзига бўлган ишончини ошириш учун мустақил таълимни ташкил этишда талабага индивидуал ёндашишнинг ташкил этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳозирда таълим олувчилар орасида мустақил таълимни ташкил этишдаги муаммолар қуйидагилар:

- вазифаларни ҳамма таълим олувчиларнинг бажармаслиги;

- таълим олувчиларда ўзига бўлган ишончининг йўқлиги;

- таълим олувчилар нутқ маданиятининг яхши ривожланмаганлиги;

- таълим олувчиларни баҳолашда вақтнинг етишмаслиги;

- таълим олувчилар орасида илмий мулоқотнинг йўқлиги;

- фанга бўлган қизиқишнинг сустлиги;

- таълим олувчиларга топшириқ берилаётганда темперамент хусусиятларига эътибор қаратилмаслиги ва яна бошқа бир қанча муаммоларни санаб ўтиш мумкин. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун “кичик гуруҳ” ларда мустақил таълимни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. “Кичик гуруҳ” ларда мустақил таълимни ташкил қилишни қуйидагича амалга ошириш мумкин: таълим олувчилар гуруҳларга ажратилади, ҳар бир гуруҳда билим доираси турлича бўлади. Гуруҳларга ўзининг лидерлик қобилияти, билими юқори таълим олувчилардан сардорлар тайинланади ва бирор мавзуга мустақил тайёрланиб, шу мавзунинг ёритиб бериш сўралади.

Ҳар бир таълим олувчида қандайдир қизиқиш ва қайсидир қобилият яхши ривожланган бўлади. Унинг қизиқишини бу ўқитувчидан кўра ўзининг гуруҳидагилар яхшироқ биладилар. Сардор ҳар бир таълим олувчига билим доирасига қараб топшириқлар беради. Ҳаттоки энг паст даражали таълим олувчи ҳам гуруҳ билан ишлаганда, фанга бўлган қизиқиши ортади.

Хулоса қилиш мумкинки, мустақил иш таълим фаолиятининг энг муҳим тури сифатида ҳар хил турларга ва шаклларга эга. Таълим фаолияти ушбу турининг самарадорлиги ва сифатини таъминлаш учун унинг шаклларини янгилаш, шунингдек, мустақил ишни режалаштириш, такомиллаштириш ва баҳолаш, умуман, таълим муассасасида ҳар бир ўқитувчи фаолиятида ўз ўрнини топиши керак.

Адабиётлар:

1. Ганс-Дитер Хопфнер. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида мустақил ўрганишнинг аҳамияти. КҲҚ лари учун ўқув қўлланма. Ўзбекистон-Швейцария «Касбий кўникмаларни ривожлантириш» лойиҳаси. — Т., 2009.
2. Локша О.М. К проблеме самостоятельной работы студента в учебном процессе. Вестник РГУ им. И.Канта. 2006. Вып. 2. Филологические науки.
3. Нажмиддинова Ҳ. Талабаларнинг мустақил ўқув фаолиятида ўзлаштириш самарадорлигига эришиш. Таълим муаммолари. — 2009 йил, 2-сон.

4. Отамирзаев О.У., Зокирова Д.Н., Вахобова С.К. Методические рекомендации по организации самостоятельной работы студентов. // International Scientific Journal. -2016. — № 4.
5. Отамирзаев О.У., Зокирова Д.Н., Вахобова С.К. Использование интерактивных методов при преподавании электротехники. // ScienceTime. — 2016. № 2 (26).
6. Хусаинов Р.Р. Олий таълимда фанларни ўқитиш сифатини орттиришда мустақил таълимнинг роли. Ж. Олий таълим. — Т.4. — 2016.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2005 йил 21 февраль “Талабалар мустақил ишини ташкил этиш тўғрисидаги” 34-сонли буйруғи.
8. Афзалова А.П. Использование мобильных технологий для организации самостоятельной работы студентов. Образовательные технологии и общество. Международный журнал. Казань. 2012. №1.
9. Юлдошев И.А. Таълим технологиялари (Замонавий таълим). — 2012. №12.

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева — педагогика фанлари доктори, профессор).